

		ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлиқ:		"Asia Alliance Bank" акциядорлик тижорат банки						
	Қисқартирилган:		"Asia Alliance Bank" АТБ						
	Биржа тикерининг номи:		AABK						
		АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумкули кўчаси, 2А						
	Почта манзили:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумкули кўчаси, 2А						
	Электрон почта манзили:		info@aab.uz						
	Расмий веб-сайти:		aab.uz						
		МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
		Муҳим фактнинг рақами:		06					
		Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар, шу жумладан хўжалик жамиятлари кузатув кенгашининг акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорлари					
		Умумий йиғилиш тури:		Кузатув кенгаши йиғилиши					
		Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		10.08.2026					
		Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		10.08.2026					
		Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		100047, Ташкент шаҳри, Махтумкули кўчаси, 2А					
		Умумий йиғилиш қворуми:		100%					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар		Овоз бериш яқунлари						
			ёқлаш		қарши		бетарафлар		
			%	сони	%	сони	%	сони	
1	Банкнинг хорижий валютада номиналланган облигацияларини чиқариш ва уларни «Тартибга солиш қумдонини» махсус ҳуқуқий режими доирасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда уларни чиқариш параметрларини тасдиқлаш.		100	5	-	-	-	-	
2	Хорижий валютада банк ҳисобварағини очиш тўғрисида Банк-агент билан шартнома ҳамда облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси билан шартнома тузиш.		100	5	-	-	-	-	
3	Валютада номиналланган облигациялар чиқарилишини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича андеррайтер ва брокерни тасдиқлаш.		100	5	-	-	-	-	
4	Банкнинг хорижий валютада номиналланган облигацияларини чиқариш проспектини 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлаш.		100	5	-	-	-	-	
5	«Тошкент» РФБдаги «Bond Market» бозорида корпоратив облигацияларни листингга киритиш учун ариза беришни тасдиқлаш.		100	5	-	-	-	-	
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:									
1	Банкнинг валютада номиналланган облигацияларини умумий 20 000 000 (йигирма миллион) АҚШ доллари миқдорида чиқариш амалга оширилсин. Банкнинг валютада номиналланган облигацияларини жойлаштириш ва муомалада бўлиш шартлари ҳамда муддатлари қуйидаги тартибда белгилансин: Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг тури ва типи: Фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигация.								

	Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг шакли: Хужжатсиз шаклда. Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати: Бир дона облигациянинг номинал қиймати 100 (бир юз) АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур чиқарилишдаги облигациялар сони (дона): 200 000 (икки юз минг) дона. Жойлаштириш усули ва тартиби: Облигацияларни жойлаштириш чекланмаган миқдордаги инвесторлар ўртасида очиқ обуна усулида амалга оширилади. Жойлаштириш даврида облигацияларни олди-сотди қилиш бўйича битимлар савдоларни ташкил этувчиларнинг қоидаларига мувофиқ ташкиллаштирилган савдоларда амалга оширилади. Жойлаштириш муддатлари: Облигацияларни жойлаштириш муддати жойлаштириш бошланган санадан эътиборан 120 (бир юз йигирма) иш кунини ташкил этади. Жойлаштириш бошланган сана мазкур облигациялар чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар Ягона корпоратив ахборот портали (www.new.openinfo.uz), шунингдек, Банкнинг расмий веб-сайти (www.aab.uz)да эълон қилинган санадан эътиборан 15- (ўн бешинчи) календарь куни ҳисобланади. Агар облигацияларни жойлаштириш бошланган сана дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, жойлаштириш бошланган сана кейинги биринчи иш кунига қўчирилади. Жойлаштириш тугаган сана мазкур чиқарилишдаги охириги облигация жойлаштирилган сана ҳисобланади, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам жойлаштириш бошланган санадан эътиборан 120 (бир юз йигирма) иш кунидан ошмаслиги лозим. Жойлаштириш нархи: Ҳар бир оралик фоизли даврнинг биринчи кунда облигацияларни жойлаштириш нархи уларнинг номинал қийматига тенг бўлади. Мазкур даврларнинг иккинчи кунидан бошлаб облигациялар номинал қийматига ҳисобланган жамғарилган фоизли даромад (ЖФД) қўшилган ҳолда жойлаштирилади. ЖФД қуйидаги формула бўйича аниқланади: $\text{ЖФД} = N \times C\% \times ((T+2-T_i)/365), \text{ бунда:}$ N – битта облигациянинг номинал қиймати: 100 (бир юз) АҚШ доллари; $C\%$ – фоиз ставкаси: йиллик 7,0% (етти фоиз); $T+2$ – облигацияларни жойлаштириш битими тузилган санадан кейинги иккинчи иш куни; T_i – битим тузилган оралик даврнинг бошланиш санаси. Мазкур облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Мазкур чиқарилишдаги сотиб олинadиган облигациялар учун тўловлар хорижий валютада (АҚШ долларида) Банк-агент орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2026 йил 29 апрелда 3826-сон билан рўйхатдан ўтказилган Капитал бозори соҳасидаги «Тартибга солиш кумдони» махсус ҳукуқий режими доирасида хорижий валютада ифодаланган облигацияларни чиқариш, жойлаштириш, муомалага киритиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги ПФ-254-сон Фармонида белгиланган тартибда амалга оширилади. Чиқарилишни таъминлаш: Мазкур чиқарилиш бўйича таъминот назарда тутилмаган. Муомала муддати: Облигациялар муомаласининг бошланиш санаси уларни жойлаштириш бошланган санадан кейинги иккинчи иш куни ҳисобланади. Облигациялар муомала бошланган санадан эътиборан 1095 (бир минг тўқсон беш) кун давомида муомалада бўлади. 1095- (бир минг тўқсон бешинчи) кун муомала тугаш санаси ҳисобланади. Мазкур чиқарилишдаги облигациялар бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддати: Облигация эгаси мазкур бандда кўрсатилган фоизларни (фоизли даромадни) облигациянинг номинал қийматига нисбатан олиш ҳукуқига эга. Ҳар бир Облигация бўйича фоизли даромад ҳар бир оралик фоизли давр учун ҳисобланади ва тўланади. Облигацияларнинг муомала даври 12 та оралик даврга бўлинган бўлиб, улардан 9 таси 91 (тўқсон бир) календарь кунини, 3 таси эса 92 (тўқсон икки) календарь кунини ташкил этади. Биринчи оралик даврнинг бошланиш санаси облигациялар муомаласининг бошланиш санасига мувофиқ келади, кейинги оралик даврларнинг бошланиш саналари эса облигациялар муомаласи бошланган санадан эътиборан тегишлича 92-, 183-, 274-, 366-, 457-, 548-, 639-, 731-, 822-, 913- ва 1004-кунлар ҳисобланади. Облигациялар эгаларининг фоизли даромадлари Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан ҳар бир оралик даврнинг охириги куни ҳолатига, яъни облигацияларнинг муомала муддатидаги 91-, 182-, 273-, 365-, 456-, 547-, 638-, 730-, 821-, 912-, 1003- ва 1095-кунлар ҳолатига шакллантирилган реестр асосида тўланади. Ҳар бир оралик давр учун облигациялар бўйича фоизли даромад облигациянинг номинал қийматига нисбатан йиллик 7,0% (етти фоиз) миқдорида, ҳар бир оралик даврга мутаносиб равишда ҳисобланган ҳолда тўланади. Бир дона облигация бўйича фоизли даромад миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: $D_n = N \times C\% \times d_n / 365, \text{ бунда:}$
--	---

	D_n – бир дона облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад; N – битта облигациянинг номинал қиймати: 100 (бир юз) АҚШ доллари; $C\%$ – фоиз ставкаси: йиллик 7,0% (етти фоиз); dn – тегишли оралиқ даврдаги кунлар сони; n – оралиқ даврнинг тартиб рақами ($n = 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12$). Ҳар бир оралиқ давр учун фоизли даромадларни тўлаш тегишли оралиқ давр тугаган санадан эътиборан 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай хорижий валютада (АҚШ долларида) амалга оширилади. Кўрсатилган муддатда Банк тегишли оралиқ давр тугагандан кейин 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай Марказий депозитарийга оралиқ даврнинг охириги куни ҳолатига валютадаги облигациялар эгаларининг реестрини шакллантириш тўғрисида топшириқномани тақдим этади. Марказий депозитарий топшириқномани олган санадан эътиборан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай валютадаги облигациялар эгаларининг реестрини электрон ҳужжат шаклида шакллантиради ва Банкка тақдим этади. Реестр олингандан сўнг Банк тегишли солиқларни ҳисоблаб, тўлайди, шундан сўнг 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай хорижий валютадаги пул маблағларини Банк-агентда очилган Марказий депозитарийнинг тегишли валюта ҳисобварағига ўтказиши. Марказий депозитарий тўлов топшириқномаси ва пул маблағлари келиб тушган санадан эътиборан 2 (икки) иш кунидан кечиктирмай фоизли даромадларни тўлашни амалга оширади: жисмоний шахсларга — Банк-агентдаги уларнинг шахсий валюта ҳисобварақларига, юридик шахсларга — уларнинг хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан. Облигацияларни сўндириш шакли ва тартиби: Мазкур чиқарилишдаги облигациялар хорижий валютада (АҚШ долларида) нақд пулсиз шаклда сўндирилади. Облигацияларни сўндириш бошланадиган сана уларнинг муомала бошланган санасидан эътиборан 1096- (бир минг тўқсон олтинчи) кун, яъни уларнинг муомаласи тугаган кундан кейинги кун ҳисобланади. Агар облигацияларнинг муомаласи дам олиш кунда тугаса, сўндириш муддатининг бошланиш санаси кейинги иш кунига кўчирилади. Облигацияларни сўндириш Эмитент томонидан Марказий депозитарий орқали Банк-агент воситасида амалга оширилади. Бунда пул маблағлари (номинал қиймат ва охириги оралиқ давр учун ҳисобланган фоизли даромад) хорижий валютада облигациялар эгаларининг ҳисобварақларига сўндириш бошланган санадан эътиборан 10 (ўн) иш кунидан кечиктирмай ўтказилади. Сўндириш Эмитент ва Марказий депозитарий ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.					
2	Банк Бошқаруви Раисига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ хорижий валютада банк ҳисобварағини очиш тўғрисида Банк-агент билан шартнома, шунингдек облигациялар бўйича даромадларни тўлаш ва уларни сўндириш хизматларини кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси билан шартнома тузилишини таъминлаш топширилсин.					
3	ИП МЧЖ «FREEDOM FINANCE» Банкнинг мазкур облигациялар чиқарилиши бўйича андеррайтер ва брокер сифатида тасдиқлансин.					
4	Банкнинг хорижий валютада номиналланган облигацияларини чиқариш проспекти 1-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.					
5	Бошқарув Раиси (Абдуазимов У.А.)га мазкур эмиссия проспекти тасдиқланган санадан эътиборан бир ой муддатда валютадаги облигациялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ариза тақдим этилишини таъминлаш топширилсин.					
	Банкнинг хорижий валютада номиналланган облигацияларини «Тошкент» РФБнинг «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш маъқуллансин.					
	Банк Бошқаруви Раисига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва савдо қоидаларига мувофиқ мазкур чиқарилишдаги валютадаги облигацияларни «Тошкент» РФБнинг «Bond Market» облигациялар бозори листингига киритиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш ваколати берилсин.					
Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар						
№	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблағлар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати

	Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:
	Кандидатлар тўғрисида маълумот

Бошқарув Раиси

Абдуазимов Умиджон Абдуазим угли

Бош бухгалтер

Курбанов Умар Эшниёзович

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи

Болтаев Ихтиер